

Биз туркистонлиларга газета ўқимок у қадар расм ва таомил эмас. Агар газета ўқимокнинг манфаатини билса эдук, ёки газета ўқиб маъносига тушунса эдук, хатто бир нафас ўлсун газета мутолаасидин воз кечмас эдук.

Газета ўқимок у қадар лаззатли шайдурки, бунинг лаззатини фақат қалам ила тасвир қилиб бўлмас.

Лекин газета ўқиб лаззат топмок учун тарих ва жугрофиядан хабардор бўлмок керак. Чунончи, бу кунцаги Туркия ила Италиё сўгушига мутааллук хабарларни ўқиб англамок учун бу икки давлатнинг, филжумла жугрофияси ила тарихини билиб, мавқеъи мухораба харитасини кўз олдига тутмок керак. Шундай бўлмагон холда газета ўқувчи ўқиган хабарларидин истифода эта олмайдур. Бизнинг халқ аксарият ила газета ўқумайлар. Газета ўқувчиларидан ҳам ўн нафаридан тўққизи газетадан лозим даражада истифода қила олмайдур. Чунки тарих ва жугрофиядан озгина ўлсун хабари йўқ. Хатто ўз баладасини жугрофиясини ҳам билмас.

Билмок керакким, газеталарни яхши ва истифодалиси ўлдиги қаби истифодасизлиги ҳам бўлур. Шунинг учун газета ўқувчи бул хусусда диққат ила газета интихоб қилмоги керак.

Бир давлат ёки бир миллатни маориф ва саноиъ тўғрусинда на даражада эдиқини билмокчи бўлсангиз, жугрофия ва газета воситаси ила билурсиз.

Хулоса, жугрофия ва газета бир оинаи жахоннамодурки, тамом харакат ва ахволи ахли илм буларнинг воситасила билиниб турадур. Буларни ва тарихни ўқуган киши бир миллатнинг тараккийси ва ё инкирози налар ила ўлажагини қамоқона билур.

Ва бундин сўнг дин ва миллатни яхши қўратурган бўлса, тараккийси учун мумкин қадар хар бир чорая ташбиш эдар.

Бизнинг Туркистонга эса хатто бир дона ўлсун миллий газета йўқдур. Бизнинг хаётсизлигимиз ва хам маорифи замон ва саноиъи жадидадан бутун бебахра ўлдугимиз шул бир дона миллий газетая молик ўлмадигимиз далил бўлса керак. То бир миллий газетая молик бўлгунча, биз ушбу «Туркистон» газетасига маколаларимизни юбориб турармиз.

Хар ким хар на деса десун, биз ўз маслакимизда хидмат эдармиз.

Маколаларимизни газетига дарж этдики учун сохибидин хам миннатдормиз.

*«Туркистон вилоятининг газети»,*

*1911 йил, 24 ноябрь*